# ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ ИСТИҚБОЛИ КАФОЛАТИ ҲУҚУҚИЙЛИКДАДИР

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

| 1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2001 йил 27 март - 2 апрел | № 13 (217) | Сотувда эркин нархда |
|---|---|---|---|


*Адлия вазирлигида*

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлиб ўтган ҳуқуқий семинар иштирокчилари халқ хўжалигида юридик хизмат ва тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида ечимини топмаётган баъзи муаммолар хусусида ўзаро баҳслашдилар.

Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси, юридик фанлар номзоди Ф.Х.Отахонов маърузасида хўжалик юритувчи субъектларда юридик хизмат фаолиятига тўхталиб, жумладан, шундай деди: “Юридик хизмат, биринчидан, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни тартибли ҳисобга олиш ва сақлашни ташкил қилган ҳолда уларни тўғри қўллаш чораларини кўради. Иккинчидан, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида таклифлар тайёрлашда фаол иштирок этади. Учинчидан, хўжалик шартномалари лойиҳаларини тайёрлаш, уни тузиш ва ижросини назорат қилишга оид ишларда қатнашади. Тўртинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш бўйича тегишли ҳуқуқий чора-тадбирларни кўради. Судда ва бошқа органларда корхона манфаатини ҳимоя қилади”.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, халқ хўжалигида фаолият кўрсатадиган юридик хизмат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш миқдорини ошириш, барча йирик ва ўрта хўжалик юритувчи субъектларда юридик хизмат ташкил қилиш, борларини малакали ҳуқуқшунослар билан тўлдириш, республика бошқарув органлари (компания, корпорация, уюшма ва ҳ.к.) миқёсида шу соҳанинг хусусиятларини чуқур биладиган малакали юридик хизмат ходимларидан иборат хўжалик ҳисобидаги юридик фирмалар ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилди.

**Қ.ҲУСАНОВ**

*Адлия вазирлиги аниқлаяптики...*

## ТАДБИРКОР МАБЛАҒИГА НОҚОНУНИЙ ЭГАЛИК

Айрим ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг маблағларини уларнинг розилигисиз турли хил тадбирларга ноқонуний жалб қилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Масалан, ўтган йил март ойида ташкил этилган бир кунлик ҳашар (шанбалик)дан тушган пул маблағлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, Тошкент вилояти ижтимоий ривожланиш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказдирилган. Жумладан, «Конмит» қўшма корхонасининг 4 млн, «Конвин» ҚКсининг 1 млн. сўм, «Олмалиқсут» хусусий корхонасининг 50 минг сўм пули ана шундай олиб қўйилган.

Тадбиркорлик субъектларининг маблағларига ноқонуний эгалик қилиш оқибатида «Чирком» ҚКсининг, «Кибо болалар пойафзали» ҚКсининг, «Камсар» хорижий корхонасининг ва бошқаларнинг 50 минг сўмдан пул маблағи «Экосан» жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказдирилган. Янгийўл шаҳар «Россия СА» қўшма корхонасининг 1 млн, Чирчиқ «Кибо-болалар пойафзали» ҚКсининг 2 млн, «Ғиштзаводи» хусусий корхонасининг 1 млн, Олмалиқ «Кончи» МЧЖсининг 1 млн, «Олмалиқсут» хусусий корхонасининг ярим млн. сўмлик маблағига ноқонуний эгалик қилинган.

Бундай яна кўплаб асоссиз ҳаракатлар ва ноқонуний фактлар Янгийўл, Оҳангарон, Чирчиқ, Ангрен шаҳри, Пискент, Қибрай, Ўртачирчиқ ва бошқа туманлар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 21, 34-моддаларига зид равишда иш тутганлиги оқибатидир.

### Ваколатсиз жазолашлар

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддаси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасига кўра, жамоа ва ширкат хўжаликлари раҳбарларига интизомий чора кўриш ҳуқуқи мазкур хўжаликларнинг умумий мажлиси ваколатига берилган.

Аммо ушбу қонунлар талабларига зид равишда интизомий жазолаш ва ҳатто эгаллаб турган вазифасидан озод қилишгача бўлган ноқонуний ҳолларга дуч келинаяпти. Масалан, Янгийўл туман ҳокимлиги ўз фармойиши билан «Тинчлик» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Мирзааҳмедовни интизомий жазолаган. Пискент туман ҳокимлиги «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М.Авезовни ишдан бўшатган, «Намуна», «Қирққизобод», Охунбобоев номли, «Туркистон» каби жамоа хўжалиги бошқаруви раислари жазоланган.

Ушбуга ўхшаш фактлар бошқа вилоятлар ва туманларда ҳам учраб турганлигини таъкидлаш жоиз.

### Сансоларликлар

Таҳлилларга кўра, бошқа вилоят ва туманларда учраётганлиги каби Тошкент вилоятида ҳам Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 феврал 55-сонли Қарори билан белгиланган тартибга зид равишда хусусий ва кичик корхоналарни рўйхатга олиш тартиби бузилишига йўл қўйилган. Бунда рўйхатга олувчилик ваколатларини нодавлат ташкилоти — Товар ишлаб чиқарувчилар Палатасига юклаш белгиланган 3 кунлик муддатга риоя этмаслик, рўйхатга олишни бир неча ойлаб йиғиб, бирваракайига кўриб чиқиш, баъзида керакли ҳужжатларни талаб қилмаслик, айрим ҳолларда эса кераксиз ҳужжатлар йиғдириш фактлари ҳамон учраётганлиги қайд этилган. Бу тур қонунбузарликлар бирмунча кенг тарқалганлигини таъкидлаган ҳолда, уларга зудлик билан чек қўйиш зарурлигини эслатиб ўтмоқ керак.

***ТАҲРИРИЯТДАН: Адлия вазирлиги мутасадди ва мутахассисларидан иборат бригаданинг республикамиз вилоятлари ва туманларида тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича мунтазам ўтказаётган текширувлари ва таҳлиллари асосида махсус мухбиримизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган «бир чимдим» хабар-фактлари давомли бўлиб, газетамиз саҳифасида мунтазам бериб борилади. Уни тилга олинган ҳудуд мутасаддилари танқид «хуруж»и қабилида тушунмасликлари керак. Ўйлаймизки, улар бир тарафдан тадбиркорлик фаолиятини қонуний ҳимояланган баъзи ноқонуний ҳаракат ёхуд ҳаракатсизликларнинг олдини олиш учун сабоқ бўлишига, иккинчи тарафдан мавзуга оид фаолиятда ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишида хизмат қилади.***



*...Новдаларни безаб гунчалар,*
*Тонгда айтди ҳаёт отини.*
*Ва шаббода қурғур илк саҳар,*
*Олиб кетди гулнинг тотини...*

*Билим — енгилмас қудрат*

## ҚОНУННИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

Бугунги давр талаби барча фуқаролардан амалдаги қонунлардан хабардор бўлишни тақозо этади. Чунки ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган киши ҳаётда қоқилмайди. Биз эса баъзан қонунни шу соҳа эгалари билишса бас, дея фикрлаймиз. Муаммоларга учраганда эса зир югуриб, ундан ўзимизга паноҳ излаймиз, адвокат ахтарамиз. Ҳақ-ҳуқуқини билган маърифатли кишилар ҳеч маҳал бу каби ҳолатга рўпара келишмайди. Авваламбор, қонунга хилоф хатти-ҳаракатлардан йироқ юришади, ҳақсизлик рўй берганда эса ўзгалар мададига кўз тикишмайди, мушкулликни ўз кучи, билими кўмагида енгиш пайида бўлишади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил декабр ойидаги учинчи сессияси республикамизнинг «Судлар тўғрисида»ги Қонунини иккинчи ўқишда қабул қилиб, амалга киритган бўлса, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб, умумхалқ муҳокамасига чиқаришга қарор қилди.

Айни кунларда Хоразм вилояти прокуратура идоралари, тегишли ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида амалга киритилган ва муҳокамага чиқарилган мазкур Қонун ҳужжатларини асосан ёшлар орасида тушунтириш ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилаяпти.

Ана шундай тадбирлар Урганч банк коллежи ва Харратов номидаги мусиқа билим юртида ўтказилди. Шаҳар прокуратураси, суд маҳкамалари, ҳуқуқий маслаҳат ходимларидан бир гуруҳи ёшлар ҳузурига келишди. Вилоят фуқаролик ишлари бўйича суд раиси А.Дўстчонов, прокуратура ходимларидан О.Сариев, Д.Рўзиматова ва бошқалар йиғилганларни вилоят, шу жумладан, Урганч шаҳрида қонунчиликка риоя этилишининг ҳолати билан таништирдилар. Янги қонунлар демократия тантанаси ва жамият равнақининг ўзига хос ифодаси экани, ҳар томонлама мукаммал қонунлар жиноятчиликка қарши самарали курашнинг ишончли кафолати, дея таъкидлаб ўтдилар.

Нотиқлар халқ фикри, хоҳиш-иродасини ўзида мужассамлаштирган қонун ҳужжатлари беқиёс катта ҳуқуқий куч-қудрат манбаи эканлигини таъкидлаш билан бирга қатор таклиф ва мулоҳазаларни ҳам ўртага ташладилар.

Шу билан бирга йиғилганлар суд ва прокуратура идораларининг айни кезлардаги фаолияти ҳақида ҳам маълумотга эга бўлдилар. Нотиқлар оммавий ахборот воситалари, шу жумладан «Инсон ва қонун» газетасида чоп этилаётган айрим мақолаларнинг мазмун, моҳият ва аҳамиятига ҳам тўхталиб, ёритилаётган мақолалар долзарблиги, уларнинг ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамияти улкан эканини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

**Ботир ДЎСТЧОНОВ,**
**Урганч шаҳар прокуратураси ходими**

*Суд ҳокимияти: ислоҳот қирралари*

## ҲАҚ БЕРИЛМАЙДИ, АКСИНЧА ОЛИНАДИ

### ТУЙҒУСИ ПУДРАТЧИ ДЕҲҚОН ОНГИГА СИНГСИН

Маълумки, республикамизда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, турли сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида «Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир», дея белгилаб қўйилган. Суд соҳасидаги ислоҳотлар суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини оширмоқда, фуқароларда ҳуқуқий-демократик давлатга бўлган ишончни янада мустаҳкамламоқда. Айниқса, фуқаролик судларининг ташкил этилганлиги ва бу борада фуқаролар манфаатини кўзлаб иш олиб борилаётганлиги фикримиз далилидир.

***Самарқанд вилоят адлия бошқармаси шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги оқибатида оила пудратчиларига етказилган зарарларни ундиришни сўраб фуқаролик судларига кўплаб даъво аризалари киритди. Биргина Каттақўрғон туманлараро фуқаролик суди ўтган қисқа вақт ичида ўттизга яқин шундай ишларни кўриб чиқди. Мазкур фуқаролик суди судьяси Б.ХИДИРОВ бир суд тафсилотини мухбиримизга қуйидагича гапириб берди.***

- Мана, ҳозиргина суд вилоят адлия бошқармасининг пудратчи Анор Умарованинг қонуний манфаатларини кўзлаб жавобгар — Гўзалкент тумани «Машъал» ширкат хўжалигига нисбатан шартномада белгиланганидан ортиқча топширилган ғалла маҳсулоти ҳақини ундириш даъвоси бўйича фуқаролик ишини кўриб чиқди, бунга очиқ суд мажлисида иштирок этиб, ўзингиз гувоҳ бўлдингиз. Ширкат хўжалиги билан пудратчи А.Умарова 2000 йил ҳосили учун 2 гектар ер майдонидан 8640 килограмм буғдой етиштириб бериш тўғрисида оила пудрати шартномаси тузган. Пудратчи 8640 килограмм ўрнига 14325 килограмм буғдой етиштириб, хўжаликка режадагидан ортиқча 5685 килограмм маҳсулот топширган. Аммо ҳозирга қадар ана шу ортиқча топширилган маҳсулот учун хўжаликдан ўз ҳақини ололмаган.

Амалдаги Фуқаролик Кодексининг 324-моддасига кўра, қарздор - кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирмаганда тўланмасдан келинган қарз даъво қўзғатиш кунида мавжуд бўлган нарх ҳисобидан ундирилиши белгиланган. Пастдарғом деҳқон бозоридан олинган маълумотга кўра, пудратчининг манфаатини кўзлаб, вилоят адлия бошқармаси даъво қўзғатиш кунида бир килограмм буғдойнинг ўртача баҳоси 95 сўмга тўғри келган. Агар шартномада белгиланганидан ортиқча топширилган 5685 килограмм буғдойнинг ҳар килограммини 95 сўмдан ҳисобласак, жами 540 минг 75 сўмни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 148-150-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарорининг 7-банди, шунингдек, Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2000 йил 3 июндаги Баённомасидаги ғаллачиликда режадан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотини тўлиқ оила пудратчиларига бериш ёки уларнинг қийматини бозор нархида тўлаб қабул қилиб олиш тартиби белгиланган. Юқоридагиларга асосланиб, суд ширкат хўжалиги ҳисобидан А.Умарова фойдасига режадан ортиқ топширилган маҳсулот учун 540 минг 75 сўм ҳақ ундириш, шунингдек, жавобгардан давлат фойдасига 54 минг 75 сўм давлат божи ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

**- Суд мажлисида жавобгар вакиллар томонидан турли баҳоналар қидирилди. Нима, бу хўжалик раҳбари ва бош мутахассисларда ҳуқуқий билимларнинг саёзлигими? Ёки...**

- Биринчидан, шундай. Иккинчидан, собиқ шўролар давридаги текисчилик, баравварчилик иллатидан айрим мутасаддиларнинг ҳамон қутилолмаганлиги.

Жавобгар вакиллари — хўжалик раиси Н.Ҳамзаев, бош ҳисобчи С.Эрматовлар 2000 йил қурғоқчилик келганлиги, хўжалик бўйича 3-4 пудратчигина режани ортиғи билан бажарганлиги, бошқалар бажара олишмаганлиги, қолоқлар ҳисобидан илғорлар ғалласи ҳам давлатга топшириб юборилганлигини айтишди. Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ери ерига туташ, бир ариқдан сув ичадиган, иқлими бир хил икки пудратчи бири шартномавий режани ортиғи билан уддаласаю, иккинчиси бажармаса. Бажармаган пудратчининг айби билан А.Умаровага ўхшаган сидқидилдан ишлаб, шартномани уддалаган пудратчи ҳам ҳақ ололмаса. Шартнома тузиб ишлашдан мақсад нима ўзи? Ердан оқилона фойдаланиш, унинг ҳосилдорлигини ошириш чораларини кўриш, шу йўл билан мўл-кўл маҳсулот етиштириб давлат, хўжалик, деҳқон моддий манфаатдорлигини ошириш эмасми?! Бу йўлда текисчилик, бараварчилик кетмайди. У ислоҳот душмани саналади. Шундай экан, ерни бажарганга бериш, шартномани уддалай оладиган билан тузиш керак. Алининг айби учун Валини моддий ҳоритиш, маънавий чарчатиш қонунчилигимизга зид. Пудратчи деҳқонларга «Ҳақ берилмайди, аксинча, ҳақ олинади» деган туйғуни сингдириш вақти аллақачон етган.

**Суҳбатдош:**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Кеча ва бугун*

# СУДЛАР МУСТАҚИЛДИР

## ...улар қонунга бўйсунади, - дейди Навоий шаҳар суди раиси Қурбон НУРМАТОВ



**- Қурбон Шералиевич, судьялар билан суҳбатлашиш ҳамиша мароқли, шу билан бирга масъулиятли ҳам. Назаримда, улар ҳуқуқ-тартибот соҳасида хизмат қилаётган бошқа касбдошларидан фарқланиб туришади.**

- Ҳа, шундай бўлиши керак деб ўйлайман, чунки судда инсон тақдири ҳал бўлади, барча тортишувлар, келишмовчиликлар, қонунбузилишлар, гумон-тахминлар жазо ёки озодлик билан якун топади, қонун, имкон, меҳр-шафқат мезонида ҳал этилади.

**- Бугун биз жуда масъулиятли, шу билан бирга шарафли, фахрли бир дамда суҳбатлашаяпмиз. Жамиятимизда, шахсий ҳаётимизда, айтиш жоизки, умримиз мазмунида, тафаккуримизда буюк ўзгаришлар кечаётган, яъниким, Ватан озодлигининг ўн йиллиги арафасида суҳбатлашаяпмиз. Ишонч билан айтиш мумкинки, Сиз суд тизимида узоқ ишлаган, (1969 йилдан буён шу соҳанинг турли лавозимларидасиз), ўтган йилларнинг аччиқ-чучугини тотган раҳбар — суд раисисиз. Агар кеча билан бугунни қиёслаш мумкин бўлса, сиз нималар ҳақида гапирган бўлардингиз?**

- Тўғри, суд ва прокуратура соҳасида 32 йилдан буён хизмат қиламан. Шу давр ичида касбий малака тўплаш, ўқиш-ўрганиш дегандек, анча-мунча сир-синоатдан ўтдик. Агар кеча ва бугунни қиёслаш лозим бўлса, энг аввало, судьялардан сўраш керак. Чунки ўтган қарамлик даврининг барча қонун ва қонунсизлигини биз ўз фаолиятимизда бошқалардан кўра (амалда) кўпроқ биламиз, десам хато қилмаган бўламан. Бу ёзилиши, айтилиши зарур бўлган узоқ тарих, тарих бўлганида ҳам ёшларга сабоқ бўлишга, бугунги ҳаётимиз — озодликнинг қадрига етиш, ўрганишга арзигулик тарих. Ўн йил ичида тизимимизда жуда кўп ўзгаришлар юз берди. Оддий, тушунарли тарзда айтсам, судлар фаолиятидаги назорат, турли аралашувлар олиб ташланди. Агар судланувчи партия аъзоси (КПСС аъзоси) бўлса, суд қилишга ҳаққимиз йўқ эди. Райком биздан ҳисобот талаб қилар, агар у рухсат бермаса, меҳнат таътилига чиқолмас эдик.

Ўтмишга айланган ўша дамларда биз ҳазил тариқасида "Суд райкомга ва қонунга бўйсунади" деб юрар эдик. Асли амалиётда ҳам шундай эди.

Яна бир мисол: деҳқончиликда шудгордан то пахта ҳосилини териш, сув тақсимлашгача жойларга вакил бўлиб борар эдик. Агар ишим бор деб ўз касбингиз, вазифангизни эслатсангиз, тамом: "Партиядан ўчираман", деб қўрқитарди.

Ана энди дўппини олиб, жиддий ўйласангиз, мустамлакачиликнинг ўз қонунлари, мақсадлари борлиги, бу қонунлар фақат уларнинг манфаати йўлида қатъий, куч билан қўрқув ва зулм билан ишлаганини теранроқ англайсиз. Амалда биз судья эдик, аслида эса ҳуқуқсиз, имконсиз оддий фуқаро билан тенг-қурбсиз эдик. Ўзимизнинг қўлимиз билан ўзимизникилардан айб топтириш, жазолаш синалган, ишончли усул эди...

Абадийдек туюлган қарамлик даврига нуқта қўйилди-ю, ниҳоят, биз ҳуқуқшунослар илк бор қонуний қадам ташладик. Янги, ёш мамлакатимизни барча юртдошларимиз сингари ҳуқуқий танидик, тан олдик, қувондик. Бунингдек, мўъжизага тенг ҳақ-ҳуқуқимизни қўлга киритганимиз, Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, тарихий ғалабадир.

1993 йил 2 сентябрда "Судлар тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни — Конституциядан кейин суд мустақиллиги тан олинди.

**- Суд соҳасида ислоҳотлар бошлангач, мамлакатимиз судьялари хорижий мамлакатларда тўпланган ижобий тажрибаларни ўрганиш борасида илк бор четга чиқа бошлашди... Масалан, Сиз Чехия Республикасида бўлдингиз.**

- Ўтган йилнинг 13-18 ноябр кунлари Чехия Республикасининг Прага шаҳрида Россия, Украина ва Ўзбекистон давлатлари судьяларининг "Демократик жамиятда суд ишларида тортишувли жараён" мавзусида семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.

Савол туғилиши мумкин, нима учун ушбу анжуман Прага шаҳрида бўлиб ўтди? 1999 йилнинг апрел ойида Америка юристлар Ассоциацияси Кенгаши ташаббуси билан Европада жамоатчилик ўқув тайёрлаш марказини ташкил этиш назарда тутилган эди. Шу асосда 2000 йилнинг май ойидан бошлаб Осиё ва Марказий Европа Ҳуқуқий Ташаббуси (СЕЕЛИ) Институти фаолият кўрсата бошлади. Институт Прага шаҳрида жойлашган бўлиб, асосан судьялар амалиётининг янгича услубдаги малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш вазифасини бажаради. Унда ҳар йилнинг баҳор ва кузида ўртача 50 та юрист фаолият олиб боради. Кенгаш аъзолари 6 киши — Прага Мэри ўринбосари доктор Ирина Новакова раис, унинг ўринбосари Е.Мойер, профессор Иржи Мусил, Чехия Олий суд катта судьяси Элишка Вачнерова, Чехия Конституциявий суд судьяси, доктор Войтех Чепл ва прокурор А.Мейердан иборат.

Конференцияда АҚШ судьяларидан С.Джудит, Черлин хоним, Ф.Роберт ва Аугсбург университетининг ҳуқуқшунослик факультети профессори Иоахим Херман, Австрия давлати Вена шаҳар жиноят ишлари бўйича округ суди раиси Гюнтер Ворач, Россия Федерацияси Олий судининг судьялари Станислав Разумов, Екатерина Кудряцева ўқитувчи ва эксперт сифатида қатнашдилар. Шунингдек, конференцияда кўплаб давлатлар суд фаолияти тўғрисида фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Бизнинг делегациямиз томонидан эса Ўзбекистонда биринчилар қаторида "Судлар тўғрисида"ги Қонун, 5 йил ичида 13 та кодекс қабул қилинганлиги, 2001 йил январда умумий судларнинг жиноят ва фуқаролик судларга бўлиниши тўғрисида эшитганларида украиналик касбдошларимиз тан беришди. Чунки Украинада "Судлар тўғрисида"ги янги қонун ҳануз қабул қилинмаган экан.

**- Уларда (бошқа давлатларда) суд соҳаси бўйича қандай янгиликлар билан танишдингиз?**

- Масалан, Россияда жиноят ишлари бўйича жазо чораси 10 йилгача кўрсатилса, иш судья томонидан якка тартибда, агар 10 йилдан ошиқ бўлса, судланувчининг розилиги билан якка ёки халқ маслаҳатчилари иштирокида кўриладиган бўлибди. Бизда ҳам бу масалани қайта кўриб чиқишга вақт етди, деб ўйлайман. Чунки бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан ташкилот, корхона ва муассасалардан ҳаётий ва амалий тажрибага эга бўлган, фаол фуқароларни халқ маслаҳатчиси этиб сайлаш лозим. Ўз ишига лоқайд, иккинчи даражали ишлар билан машғул, тажрибасиз кишиларни судга юбормаслик, халқ маслаҳатчиси этиб сайламасликнинг вақти аллақачон етди.

**- Амалий машғулотлар қандай кечди?**

- Чехия Республикасининг пойтахти Прага шаҳар судида бўлдик. Шаҳар аҳолиси Тошкентнинг ярмича, яъни бир миллион 250 минг киши яшар экан. Шаҳар судининг штат бирлиги 360 киши бўлиб, шундан 131 таси судьялар, уларнинг бир қисми ишларни биринчи босқичда апелляция тартибида, назорат ва кассация тартибида кўришар экан. Бундан ташқари, судда 50 иш ўрганувчи судьялар бўлиб, 3 йил мобайнида иш ўрганади. Агар улар комиссиядан муваффақиятли ўтса, Президент томонидан 5 йил муддатга судьяликка тайинланади. Прагада 14 та туман бўлиб, 30 нафар судья фаолият кўрсатади, улар жиноят ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьяларга бўлинган.

Хуллас, биз судьялар учун мустақилликнинг, илк мустақил қадамларимизнинг хосияти, унуми, сифати бир неча ўн йилликларга татигулик деб фахрланиб айтаман.

**Суҳбатдош:**
**Ражаббой РАУПОВ,**
**"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири**

*Тадбиркорлик ҳимояси*

# ЖАЗО НОҲАҚ БЎЛМАСИН

Маълумки, мамлакатимизда ҳукуматимиз айниқса, Президентимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаш ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши фаол иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 май кунидаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан тадбиркорларнинг барча ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 феврал кунидаги 57-сонли қарори б и - лан Республика Адлия вазирлиги тизимида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилди ва бу бошқарманинг асосий вазифалари ҳамда ҳуқуқлари белгилаб берилди.

Мазкур бошқарма саъй-ҳаракати натижасида фақатгина 2000 йил давомида 278 нафар асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган ҳамда судланган тадбиркорлар тўлиқ реабилитация қилинди. Кўплаб тадбиркорларнинг жиноий ҳаракатлари қайтадан малакаланди ва уларга нисбатан тайинланган жазо чоралари енгиллаштирилди.

250 дан ортиқ тадбиркорларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича судлар ва назорат органлари томонидан қабул қилинган қарорлар бекор қилиниб, ишлар ҳаракатдан тугатилиб, ундирилган жарима суммалари тадбиркорларга қайтариб берилди. Уларнинг қонуний ҳуқуқларини поймол қилган 143 нафар мансабдор шахсларнинг "чўнтакларидан" тадбиркорлар фойдасига 40 миллион сўмлик моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди.

Тадбиркорларга нисбатан бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят ишларини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда айрим назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб боришда қонун бузилиш ҳолатларига йўл қуйиб келинмоқда.

Суриштирув, тергов органлари ҳамда судлар томонидан айнан мана шу қонун талабларини чуқур билмаслик ёки унинг талабларига кўр-кўрона риоя қилмаслик тадбиркорларни асоссиз равишда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишларига сабаб бўлмоқда.

Хўш, бундай қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик учун асосий эътиборни нималарга қаратиш лозим?

Биринчидан, тадбиркорга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноий ишларнинг қўзғатилишига сабабчи бўлаётган далиллар қонуний асосда тўпланганми ва улар тадбиркорни тегишлича жавобгар қилиш учун етарлими, улар фаолияти қонуний асосда текширилганми ёки йўқми, деган масалани атрофлича текшириб, аниқлаш лозим. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 39-моддасига кўра тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ режали тартибда, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин. Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда тўлаб турадиган, бошқа норма ва қоидаларга риоя этадиган, ҳар йиллик тегишли аудиторлик хулосаларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади. Демак, тадбиркорнинг фаолиятини назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатисиз ва бир йил давомида бир неча марталаб текшириш қонунга зид ҳолдир. Бундай ноқонуний йўллар билан тўпланган ҳар қандай далиллар тадбиркорни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди.

Масалан, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар судининг 2000 йил 17 март кунидаги хукми билан тадбиркор Ш.Раҳмонов савдо қоидаларини кўп микдорда бузганликда Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 189-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилиб, унга 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Мазкур жиноят иши Адлия вазирлиги масъул ходимлари томонидан ўрганиб чиқилганда тадбиркор Ш.Раҳмоновнинг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний равишда, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг рухсатисиз амалга оширилганлиги, айблов учун тўпланган далиллар ҳам ноқонуний усуллар билан тўпланганлиги маълум бўлди. Натижада Адлия вазирлигининг таклифига кўра Фарғона вилоят суди Раёсати ўзининг 2000 йил 8 ноябр кунидаги қарори билан мазкур иш бўйича чиқарилган айблов ҳукмини бекор қилиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатиб, тадбиркор Ш.Раҳмоновни тўлиқ реабилитация қилган.

Иккинчидан, тадбиркор фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ёки махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган режада кўрсатилган муддатларда ўтказилган бўлиши лозим. Агарда бирор бир тадбиркорнинг фаолиятини текшириш, мисол учун 2001 йилнинг феврал ойида режа бўйича ўтказилиши шарт бўла туриб, текшириш шу йилнинг бошқа бир ойида ўтказилган бўлса ва бунинг учун тегишли рухсатнома олинмаган бўлса, бундай текшириш ҳам ноқонуний ўтказилган деб ҳисобланади ва унинг оқибатида тадбиркор учун қўлланилган молиявий жарима, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги чоралар ҳам бекор қилинади.

Учинчидан, тадбиркор фаолиятини текшириш асосли тайинланганми ёки йўқми деган масала ҳам чуқур текшириб чиқилиши лозим. Бунда тадбиркор доимо солиқ, йиғим ва бошқа тўловларни давлатга ўз вақтида ва мунтазам тўлаб турган бўлсада, унинг фаолиятини текшириш ҳар йили режага асоссиз равишда киритилиши қонунга зиддир.

Тўртинчидан, тадбиркорнинг қилмишида маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари бор-йўқлигини ва умуман, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳодисаси юз берган ёки бермаганлигини аниқлаш лозим. Чунки кўп ҳолларда тадбиркорлар ҳеч қандай маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этмаган бўлсалар-да, қонунсиз равишда жавобгарликка тортилганлар. Айниқса, кўплаб тадбиркорлар хўжалик низоси бўлиб ҳисобланган ишлар бўйича ҳам жиноий жавобгарликка тортилганликлари ачинарлидир.

Масалан, Самарқанд вилояти, Булунғур тумани "Бинокор" жамоа корхонасининг раҳбари М.Шодмонов Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 205-модаси 2-қисми "А,Б" бандлари бўйича судланган.

Мазкур жиноят иши атрофлича ўрганиб чиқилганида М.Шодмоновни 1996 йил 16 феврал куни корхона номидан шартнома тузиб, вилоят "Бизнес фонд" бошқармасидан 1998 йилнинг 16 август кунига қадар 30% фойдаси билан тўлаб бериш шарти билан корхона учун 500.340 сўмлик кредит олганлигини, бунинг учун корхона ходимларининг розилиги билан корхона маъмурий биносини гаровга қўйганлиги, аммо олинган кредитнинг бир қисмини корхона ўз вақтида қайтара олмаганлиги учун жиноий жавобгарликка асоссиз равишда тортилганлиги аниқланди. Аниқланишича, ушбу шартномавий муносабатлардан келиб чиққан низо вилоят хўжалик судида кўриб чиқилиб, суднинг 1999 йил 7 апрелдаги қарорига кўра "Бинокор" жамоа корхонасидан вилоят "Бизнес фонди" фойдасига ўз вақтида қайтарилмаган барча олинган кредит суммалари фоизи билан ундириб берилган. Бироқ, шартномавий муносабат юзасидан келиб чиққан низо хўжалик суди томонидан ўз вақтида қонуний ҳал этилганлигига қарамасдан М.Шодмонов суд хукми билан ноҳақ айбдор деб топилиб, судланган.

Мақсадимиз йўл қўйилаётган қонун бузилиш ҳолатларини фақатгина кўрсатиб ўтиш эмас, балки келгусида тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларига тўсиқ бўлаётган, уларнинг асоссиз равишда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлаётган ҳар қандай иллатларни бартараф қилишга қаратилган кескин чоралар кўришдир. Бу ишларни амалга оширишда амалдаги қонунчилик талабларини юқорида келтирилган тавсиялар асосида мутасадди ташкилотлар ва уларнинг масъул ходимлари томонидан тўғри татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади. Пировард натижада эса жамиятимиз "тадбиркорлик билан шуғулланиш хавфли экан" деган нотўғри тушунчалардан халос бўлади, ҳар бир тадбиркор эса ўзини эркин ҳис этиб, мамлакатимиз иқтисодий ривожига сезиларли ҳиссасини қўшади, деган умиддаман.

**Абдураҳмон САФОЕВ,**
**Адлия вазирлигининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармасининг бўлим бошлиғи**

*Ибрат*

# ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК

«Тақдирнинг ишини тадбир бузолмас, тадбирнинг ишини тақдир бузолмас», дейишади қариялар. Бу пурҳикмат гап айни булунғурлик заҳматкаш тадбиркор Эргаш Баҳриддиновни — унинг тақдирини, тадбиркорлик иқтидорини кўзда тутиб айтилгандай. Табиатан ташаббускор, ишнинг кўзини биладиган бу инсон шўролар даврида ҳам тадбиркорликда ўзини синаб кўришга уриниб, ёрдамчи хўжаликда иш бошлашга бел боғлаган эди. Бироқ унинг ниятлари амалга ошмади. Боз устига бошига мусибат тушиб, оғир дардга чалиниб қолди: олти ярим йил тўшакка михланиб ётди. Бироқ кўнглини эзгу тилаклар, руҳини яшаш, яратишга бўлган иштиёқ тарк этмаган экан. Яратганга илтижолар этиб, соғайсам одамларга яхшиликлар қиламан, боғ яратаман, дея қилган ўтинчлари ижобат бўлди. У 1997 йили соғайиб оёққа турди.

Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилган жамики шарт-шароитлар, Юртбошимизнинг маърузаларида, уларнинг саъй-ҳаракатлари муттасил қўллаб-қувватланиб турилгани Эргаш Баҳриддиновнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. У ишни Булунғур тумани ҳудудидан ўтувчи катта Тошкент-Самарқанд йўлининг ёқасини обод қилишдан бошлади. Дастлаб йўл чеккасида 300 хўрандага мўлжалланган «Баҳриддин бобо» чойхонаси биносини тиклади.

Тадбиркор бу жойларда бошланган ҳар қандай иш асосий муаммо — сувга бориб тақалишини, уни ҳал этмай туриб, фаолиятда силжиш қилиш мумкин эмаслигини тушуниб, ерни бурғалатиб, 115 метр чуқурликдан сув чиқаришга муваффақ бўлди. Изланганга толе ёр, деганларидай ер қаъридан отилиб чиққан зилол, хуштаъм сувни Эргаш Баҳриддинов Тангрининг ўзига кўрсатган яна бир карамидай қабул қилди. Эндиликда Булунғур туманидаги «Улуғбек» маҳалласида истиқомат қилаётган 7 минг хўжалик аҳолиси ҳам шу сувдан баҳраманд бўлади.

Наврўз айёми кириб келар кезларда маҳаллада катта шодиёна бўлиб ўтди. «Баҳриддин бобо» чойхонаси ишга тушди. Бунинг қурилишига, боғ ва ободончиликларга тадбиркор етти миллион сўм сарфлади. Эллик нафар киши иш билан таъминланди.

- Отасига раҳмат, Эргашнинг, - дейди туман матлубот жамиятида чорак аср раҳбар бўлиб хизмат қилган отахон Мамашукур Солиев. - Мана шу катта йўл ёқасига ҳар йил кўчат, гул экиларди. Бироқ сувсизликдан саратонда қуриб қоларди. У иложини топди. Энди бир қаранг, ҳадемай унинг кўчатлари барқ уриб гуллайди, боғ-роғга айланади.

Сув камчиллиги боис, тумандаги нон заводи, қандолатчилик, лимонад цехлари ёпилиб қолган экан. Матлубот жамиятига тегишли бўлган қорамол сони тўрт юз бошдан юз беш бошгача камайган экан. Тадбиркор Эргаш Баҳриддиновнинг хайрли ишлари билан бу муаммолар ҳам ижобий томонга юз бурди...

Чойхонанинг очилиши тадбирига қўшни маҳаллалардан меҳмонлар, туман раҳбарлари ташриф буюришди. Меҳмонлар Наврўз дастурхонига таклиф этилиб, тадбиркор Эргаш Баҳриддиновнинг фаолиятига омад тилашди. Шоду хуррамлик билан ўтган тадбирдан кейин чойхона атрофидаги 1,5 гектар ерга икки юз туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди...

Ўтган ишдан туш яхши, деб бекорга айтишмаган. Эргаш Баҳриддинов оғир хасталик чоғини кам эслайди, бироқ ўша пайт кўнглидан ўтказган эзгу ниятлари амалга ошаётганини кўриб, кўнгли қувнайди. Унинг қувончи элдошларига ҳам татиётгани — меҳнати одамларга наф келтираётгани эса ҳар ким ҳавас қилса арзигулик ишдир.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**





***Суратларда: (ўнгдан) 1. Тадбиркор Эргаш Баҳриддинов маҳалла оқсоқоли Ҳайдар бобо ва туман ҳокими Тўхтамурод Худойназаровлар яхши ниятлар билан янги барпо этилган боққа кўчат ўтқазаётган пайти. 2. Эргаш Баҳриддиновнинг яқин дўстлари ер қаъридан сувни қандай қазиб чиқарганлиги ҳақида суҳбатлашишаяпти.***

**Муаллиф олган суратлар**

# ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Ҳар кимнинг ўз ҳаёт йўли, умр мазмуни, ўзи учун қадрли хотиралари бўлади. Сабоҳат опа ҳам халқ таълими соҳасида кўп йиллар меҳнат қилган, ҳаёти безагини эл фарзандларига хизмат қилиш билан сайқаллаб, ҳурмат-эътибор топган инсонлардан бири.

У Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 148-ўрта мактабда бошланғич синф ўқувчиларига билим сирларини қунт билан ўргатмоқда.

- Бошланғич синф ўқувчиларига уйда она меҳри қанчалик зарур бўлса, мактабда устознинг ана шундай меҳрибонлиги жуда-жуда керак, - дейди Сабоҳат опа Тўраева. - Айнан шу ёшида болаларга Ватан меҳри, одамийлик туйғуларини сингдириш билан бирдек, Конституция нималигини тушунтириб бориш, улар қалбида Қомусимизга ҳурмат уйғота олишимиз зарур.

Опа дарс бераётган синф хонасини кўздан кечириб, унинг ўз бурчини бажариш учун тинмай ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистон герби, байроғи, мадҳияси кўзни қувнатиб турибди.

- Ҳар куни озгина муддат бўлса-да, болаларга улар тўғрисида тушунча бераман, эслатаман, - устоз фахр билан сўзида давом этди, - эндиликда Конституция тўғрисида ҳам сўз юритаяпман. Болаларим ҳозир 4-синфда таҳсил олишмоқда. Улар албатта, Қомусимиз ҳақида ўз мурғак тушунчаларига эга бўлиши зарур. Бунинг учун устоздан қунт ва сабот, маҳорат талаб этилади.

С.Тўраевани шундай фазилатлар соҳибаси дейиш мумкин. У бутун меҳрини ўқувчи-ёшларга бағишлаган. Устозларининг тартиб-интизомни хуш кўришини билиб олган болалар одобли бўлишга, ўқиб-билим олишга астойдил интиладилар. Бахтли келажакка шу тариқа пойдевор қўйилади.

- Сабоҳат Тўраеванинг ютуғи шундаки, - дейди мактаб директори Мурод ака Мамуров, - у ўқувчиларга фақатгина баҳо қўйишга эмас, уларнинг ички олами, руҳияти, аҳволига ҳам бирдек қизиқади. Бирор боланинг кайфиятида ўзгариш сезиб қолса, тезда ота-онасига қўнғироқ қилиб, вазиятни ўрганишга, шунга қараб иш тутишга ҳаракат қилади.

Сабоҳат опа туманлараро кўплаб конкурсларнинг ғолиби бўлган. Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. Энг муҳими, машаққатли касбини ардоқлаб, шу касби туфайли эл орасида ардоқ топган. Унинг қўлида сабоқ олаётган, қалбида Қомусимизга меҳр уйғонаётган болалар орасидан ҳуқуқшунослар ҳам етишиб чиқса, не ажаб.

**Шаҳноза МУҲАММАДИЕВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**



Кўклам нафаси

*Хат келди*

# ЧОЙХОНА КИМНИКИ?

## Ёки Зангиота тумани "Ўрта" маҳалласидаги жумбоқ

Ҳурматли "Инсон ва қонун"!

Биз бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари 90-йилнинг бошларида ўз "Ўрта" маҳалламиз — Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Зангиота қишлоғи фуқаролар йиғини ҳудудидан расмий равишда озгина жой олиб, ўз йиғма-ҳиссали маблағимиз ҳисобидан, ҳашар йўли билан мўъжазгина чойхона қурдик. Унинг ободончилиги учун меҳнат қилдик, кўплаб хизматимиз ва маблағимиз сингди.

Лекин вақт ўтавериб, барчамиз бармоқ тишлаб қолдик. Чунки маҳалламиз уй-жой қўмитаси раиси Н.Тўлаганов мазкур чойхонамизни қандайдир қалбаки ҳужжатлар тузиш йўли билан Н.Маҳаматхўжаев деган шахснинг номига хусусийлаштириб, бериб юборибди. Бу янги эга "ўроқда йўқ, машоқда йўқ" бўлса-да, бизнинг чойхонани ўз шахсий мулки сифатида ишлата бошлади. Жойга ҳақиқий эгалари — қариялар, фахрийлар оёқ босолмай қолди. Чойхона ичкиликбозлик, айш-ишрат жойига айланиб бораверди. 40-50 йил меҳнатда умри ўтган қариялар ўз маблағи ҳисобида қурилган чойхонага кеолмай, дам олишга борса, сўкиш ва асаббузарликларга учрай бошлайди.

Охири тоқатимиз тоқ бўлиб, суриштирсак, юқорида айтганимиздек, чойхонамиз Н.Маҳамадхўжаевнинг шахсий мулкига айланиб бўлган ва улар бу жойни аллақачон даромад топиш объектига айлантириб олишган экан.

Биз — чойхонанинг ҳақиқий эгалари бу бебошлик, қолаверса, сохтакорлик билан қилинган ишдан норози бўлиб, расмий равишда тегишли идораларга мурожаат қилдик. Бизнинг арзимиз асосида туман ҳокимлиги аҳволни ўрганди ва чойхонамизни қонунсиз хусусийлаштирилиб юборилганлигини аниқлаб, бу ҳужжатларни бекор қилди. Лекин... чойхонамизни маҳалла фахрийлари ихтиёрига қайтариб бериш ўрнига мутлақо меҳнати ва пули сарфланмаган — қишлоқ фуқаролар йиғини ихтиёрига ўтказиб бериш ҳақида қарор чиқарди. Энг ёмони, аҳвол мутлақо ўзгармади. Ўша "чаққон" чойхоначи мулкимизга эгалигича қолаверди. Қишлоқ фуқаролар йиғинидаги раҳбарлар қариндош-уруғчилик қилиб, яна аввалгидек чойхонамизга эгалик қилишимизга тўсиқ бўлишни давом эттираверди. Уларга жамоа хўжалигимиз раҳбари ҳам бегона эмас. Хуллас, биз қариялар бу муаммомизнинг ечимини тополмай сарсонмиз. Кўп саволлар бизни қийнаяпти. Ахир, биз фахрийларнинг жамоа бўлиб йиққан маблағимиз ва ҳашар — меҳнатимиз ҳисобидан бунёд этилган мулкни ўзбошимчалик, сохта ҳужжат ва ваколатини суиистеъмол қилиб, бировга хусусий қилиб сотиб юборганларга, бу ишга бош қўшганларга қонунда жазо йўқми? Бизга бу борада аниқ йўл-йўриқ кўрсатадиган ва охирги сўзини айтиб кетадиган мутасадди йўқми? Ва ниҳоят, биз ўз чойхонамизга эга бўла оламизми?

**С.НУРИДДИНОВ, А.АЛИАКБАРОВ, Б.ҚОДИРОВ, Х.АКБАРОВ, К.ҲОДИЕВ, К.ҲАКИМОВ, А.МУСАЕВ, Т.ЖАМОЛОВ, Р.АҲМЕДОВ ва бошқалар, уруш ва меҳнат ногиронлари, фахрийлари, пенсионерлар, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Зангиота қишлоғи, "Ўрта" маҳалласи**

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Масалани ўргандик. Аҳвол худди танишганингиздек. Изоҳга ва талқинга ҳам ўрин йўқ. Муаллифлар аниқ саволларни қўйишибди. Биз қарияларга "Судга боринг" деб юборишимиз мумкин эди. Тўғриси, ҳаддимиз сиғмади. Отахонларни суд даргоҳларига йўллашга ботинолмадик. Чунки ўртадаги масала тегишли мутасаддилар томонидан судсиз-низосиз ҳал этилиши мумкинлигига ишонгимиз келди.*

*Конституциямизни ўрганамиз*

# ҚОМУС ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

Яқинда бир оилавий можарога аралашишга тўғри келди. Воқеа шу даражага бориб етганки, оила дарз кетиш арафасида. Сабаб, уч нафар фарзанднинг отаси улфатчиликка берилган, болалари тарбиясига умуман қизиқмайди. Суҳбат давомида ота ўзининг ҳақ эканлигини исботлашга уринди. У кунбўйи ишда бўлиши, оиласи таъминотидан тили қисиқ эмаслиги, улфатчилик шахсий иши эканлигини баён қилди.

Мен отага оилани боқиш, кийим-кечак билан таъминлаш бурч эканлиги, бола тарбиясида отанинг ўрни беқиёс эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим.

- Ана, тили бир қарич аяси бор, - деди у заҳархандалик билан, менинг кўча-кўйдаги юриш-туришим, улфатчилим қилишимга бурнини суқмасин.

Шунда мен қонунга таяндим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини олиб, "Жамият ва шахс" бўлимидаги "Оила" деб номланган XV бобини очдим. Суҳбатдошим қўлимдан оҳиста китобни олиб ўқиди, ўйланиб қолди. Бироз шаштидан тушди шекилли, бошини эгиб хонадан чиқиб кетди...

"Оила" бобининг 64-моддасида: ***"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар"*** дейилган эди.

Яқинда шу оила бекаси билан учрашиб қолдим. Қувончи ичига сиғмайди. "Отасига инсоф берди, - дейди у кулиб, - болаларнинг кундаликларини текшираяпти. 5-синфда ўқийдиган ўғлимизнинг мактабига ота-оналар мажлисига ўзи борди. Ҳарқалай, бола трабиясида отанинг ўрни бошқа-да, ўргилай..."

Ана, Қомусимизнинг оддий бир оилага берган ёрдами, мурувввати. Фақат уни ўқиш билан иш битмайди, ўқиш, қалбга сингдириш, ўр ўрнида моҳирлик билан фойдалана билиш ҳам керак.

Қонуний никоҳдан ўтиш учун ариза билан келган икки ёшга ҳам амалдаги қонунларимиз, айниқса, Конституцияда белгилаб қўйилган шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини атрофлича сингдиришга ҳаракат қиламан. Қомусимизнинг 66-моддасида қайд этилган: ***"Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар"*** деган жумлаларни ҳеч қачон ёддан чиқармасликларини қайта-қайта таъкидлайман.

Яна бир мулоҳаза: аҳолининг ижтимоий фаол бўлмаган қатлами — уй бекалари, шунингдек, қариялар, кўчага чиқолмайдиган ногиронларга ҳам Конституция илмини баҳоли қудрат етказиш, бунинг учун маҳалла фаоллари оқсоқоллар билан вақти-вақтида учрашиб, уларнинг ҳуқуқий билим-савиясини ошириш керак. Чунки улар маҳаллаларда турли йиғин, маърака-мажлисларда мулоқотда бўладилар.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида жойларда "Оила дорилфунунлари" очилгани ва у яхши самара бераётганлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Чунки бундай дорилфунун никоҳни қайд этиш бўлимлари қошида ёш йигит-қизларга оила, унинг масъулияти ва муқаддаслиги, фарзанд тарбияси ва бошқа муҳим масалалар тўғрисида маълумот ва сабоқ бериши шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам жойларда ана шу дорилфунун вазифасини ўтайдиган машваратлар ўтказишни 2001 йил иш режамизга киритдик.

Яқинда тумандаги 30-умумтаълим мактабининг ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари билан ана шундай учрашув ташкил қилдик. Унга туман "Камолот" жамғармаси, халқ таълими бўлими, маънавият ва маърифат туман бўлими мутахассислари, шунингдек, тажрибали ҳуқуқшунослар, ибратли оила бошлиқларини таклиф этдик. Бу машварат кутганимиздан ҳам жонли бўлди. Чунки биз анжуманга расмий тус бермадик. Маҳаллий шароитга мос ҳаётий мисоллар келтирилди, юракка тегадиган жонли эпизод ва хотиралар ҳикоя қилинди. Шарқона одоб, миллий урф-одат, қадриятларимиз хусусида сўз борди. Баҳс қизиди, айниқса, юқори синф ўқувчилари саволлар ёғдиришди. Шунда мен беихтиёр ёшларга қалбимизни очишимиз, уларга ишонишимиз, уларга суянишимиз кераклигини юракдан ҳис қилдим. "Оила дорилфунуни"ни бошқа жойларда ҳам тез-тез ўтказиб туриш керак, деган хулосага келдим.

Юртбошимиз Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус дарс сифатида ўргатишни алоҳида устувор вазифа қилиб қўйганлиги бежиз эмас. Келажак ёшларники. Уларни турмушга тайёрлаб, ҳаётдан, Қомусимиз илмидан сабоқ берайлик. Мустаҳкам оила жамиятимиз таянчи эканлиги, фаровон оилагина ҳар бир инсонга бахт-иқбол, рўшнолик бахш этишини ўғил-қизларимизга сингдирайлик.

**Инобат ЖАЛИЛОВА,**
**Андижон вилояти, Асака тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

*Депутатлар ҳақида ҳикоялар*

# ЭРКИН ДОНАЕВНИНГ СЕРТАШВИШ КУНЛАРИ

## Очерк

Жамиятшунослик фани ўқитувчимизнинг бир гапи сира ёдимдан чиқмайди, - дейди Эркин Алламуродович. - У киши айтар эдики, бугунги инсон томирларини ҳали ибтидоий одамнинг қони тарк этгани йўқ. Шу боис ҳам бошига бирор-бир ташвиш тушсагина, уни бартараф этиш, олдини олиш учун чора-тадбирлар излай бошлайди.

Муаллимнинг гапларида жон бор. Дейлик, бурноғи йили вилоятдаги барча ғаллазорлар ёппасига "занг" касалига чалинган бўлса, ўтган йили ёзда воҳада қурғоқчилик ҳукм сурди. Токи мазкур офатлар кучини кўрсатмагунча ҳеч ким бу ҳақда бош қотирмади. Айни пайтда эса юз бериши мумкин бўлган табиий офатларнинг олдини олиш учун жуда улкан ҳажмда ишларни бажараяпмиз. Яъни Амударёдан сув олиб суғориладиган "Аму-Занг" ва "Занг" каналлари яқинида жойлашган жамоа хўжаликлари учун суғориш иншоотлари қураяпмиз. Худо хоҳласа, қиш қуруқ келган йилларда ҳам баъзи туманларнинг пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган йирик хўжаликларида сув танқислиги сезилмайди.

Дарвоқе, қаҳрамонимиз ҳақида икки оғиз сўз:

Эркин Алламуродович Донаев — Сурхондарё вилоят 13-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати. У нафақат суғориш иншоотлари бўйича етук мутахассис, балки ўзи депутатликка сайланган ҳудудда инсон ҳуқуқлари, эркинликларининг ҳимоячиси ҳамдир. Унинг ариза, шикоятлар ва мурожаатномалар қайд этилган махсус дафтарини варақласангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Боисики, айни ислоҳотлар даврида бошлиқ билан ходим, йирик корхона раҳбари билан кичик корхона эгаси, тадбиркору фермерлар ўртасида албатта зиддиятлар, ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар, низолар пайдо бўлади. Табиийки, маъмурий идоралардан иши битмаган фуқаролар депутатнинг ҳузурига келадилар. Баъзи кунлари Эркин аканинг қабулхонаси ҳам соҳасига таааллуқли кишилар, ҳам сайловчилар билан тирбанд бўлади.

Донаевнинг сайловчилардан тушган ариза ва мурожаатномалар асосида амалга оширган ишларини санашга кўп вақт кетади. Улардан айримларини депутат телефонда тегишли идора раҳбари билан гаплашиб ҳал этади.

Эркин Алламуродович ҳузуридаги сайловчига ўтириш учун жой кўрсатди. "Учлик" телефонда сайловчи яшайдиган туманнинг давлат солиқ идораси раҳбари билан уланди ва муддаога ўтди:

- Ёнимда "Таллашқон" жамоа хўжалигидан сайловчилар бор. Ўзингизга маълум, ўша ҳудудда ер ости сувлари кўтарилиб, экин майдонлари ўта даражада шўрлаб кетган. Шахсий томорқаларнинг аҳволи ундан ҳам баттар! - депутат қошларини чимириб, гўёки суҳбатдоши билан юзма-юз ўтиргандек кафтларини ёйиб, уқтира бошлади. - Сиз билан менинг маълум имтиёзларимиз бор. Аммо бу имтиёзлар оддий фуқароларни қўллаб-қувватлашимиз учун берилганлигини унутмаслигимиз керак. Менимча, ўша ҳудуддаги шахсий томорқа эгаларидан вақтинча ер солиғи олмай турган маъқул. Мен тегишли қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори нуқтаи назаридан шундай фикрдаман!

- Тушундим, Эркин ака. Секинроқ гапирсангиз ҳам яхши эшитаман.

- Узр, телефонда гаплашаётганим эсимдан чиқиб кетибди.

Хонада кулги кўтарилди.

- Мана шунақа, ўртоқ мухбир. Баъзан миямга ғалати фикрлар келиб қолади. Идора билан уйни битта жойда қилсакмикан. Чунки сутканинг 16 соати уйдан ташқарида ўтади. Уйқу эса йўл-йўлакай хизмат машинасининг кабинасида. Кетдик, дала айланамиз!

* * *

- Сайловчиларга берган амалий ёрдамларингиз ҳақида сўрамоқчи эдим, Эркин Алламуродович.

- Рости, депутат фақат қонунлар лойиҳаси устида бош қотиради деган гаплар анчайин ҳавойи гаплар экан. Одаммисан, элнинг корига ярашинг керак, вассалом. Биров чинакамига кўмакка муҳтож бўлмаса, ёрдам сўраб сенга рўбарў келмайди-ку.

Қора бахши Умиров деган достончи акамиз бор. Шундай одамларнинг борига шукурки, достонларимизнинг умри узаяди. Шу кишига "Алпомиш" достонининг янги вариантларидан бирини нашр эттириш учун маблағ керак экан. Ўзига тўқ, ҳамёнида пули бор тадбиркорларни тўплаб "ҳашар" йўли билан бахшининг муродини ҳосил қилдик.

Музработ туманидаги 51 та ўрта мактаб ва боғчаларнинг томларини чакка ўтмайдиган қилиб таъмирлаш учун ҳомий ташкилотларни ҳашарга жалб этдик.

- Эркин ака, роса тиниб-тинчимас ҳайдовчингиз бор-да, - дейман, темир-терсаклар ичидан, машинасига нимадир қидираётган Юрага ишора қилиб.

- Бахтиёрбой, бошлиқ умрининг бир қисми шофёр билан кечади. Яхши ҳайдовчи — омаднинг ярми дегани. Юра билан узангидош ошнадек бўлиб кетдик. Шу сабаб баъзан "Юрабой", баъзан эса "Жўрабой" дейман. Иккисининг ҳам маъноси, шакли бир-бирига яқин. Юра билан 10 йилдан буён бирга ишлаяпмиз.

- Мана бу жаннатларда ҳам топилмас жойнинг номи Ўтанжар, - дейди Эркин ака Амударё соҳилида ажиб бир гўзал манзара кашф этган йирик насос станцияси билан бизни таништирар экан. - Бу ер Ватанимизнинг жанубий чегараси. Чегара ҳудуди бўлган учун тустовуғу товушқонлар, бўри, ёввойи чўчқалар эмин-эркин кўпайиб юришибди. Айниқса, ўрдагу ғозлар роса кўп. Афсонавий Ўтан полвон мана шу жардан кучли ёвдан мағлуб бўлгач, таслим бўлишни ор билиб, бир ҳатлаб ўтиб кетган! Биз шу ердан секундига уч кубометр сув тортадиган янги насос станциясини қуриб битказаяпмиз. Бу хайрли ишларимиз боис Эшбой Дўлмонов номли жамоа хўжалиги экин майдонлари тўрт фаслда ҳам узлуксиз сув билан таъминланади.

Дарҳақиқат, сурхондарёлик деҳқонлару миробларга ўтган йилги қурғоқчилик унутилмас сабоғ бўлди. Сувсизликдан қишлоқ ва далалардаги экинлар, такрорий зироатлар, дов-дарахтлар қуриб қолди. Чўлларда яшайдиган ёввойи ҳайвонлар сув тиланган мусофирдек қишлоқ ва овулларга яқин келишди. Қамишлари қовжираб қуриб қолган зовурларга кириб ўз тилларида фарёд чекишди... Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилнинг тўртинчи чораги ва жорий йил мобайнида суғориладиган майдонларда сув танқислигига барҳам бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунга мувофиқ Олий Мажлис депутати, Эркин Донаев раҳбарлик қилаётган дирекция воҳа тарихида фахру ифтихор билан эсланадиган бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Элликта суғориш қудуқлари, секундига йигирма уч кубометр сув тортиб оладиган ўн битта насос станцияларидаги бунёдкорлик ва қайта тиклаш, таъмирлаш ишлари шулар жумласидандир. Айниқса, Шеробод туманидаги Владимир Қодиров номли, Қизириқдаги Ҳаким Эшонов номли жамоа хўжаликларида янгидан қурилган насос станциялари чинакамига мисли кўрилмаган савоб иш бўлди.

- Раҳбар тадбиркор бўлиб, йўқдан бор қилса, элдан дуо олади. Борини талон-тарож қилиб, йўқ қилса қарғишга қолади ва албатта, ноинсофни қарғиш уради, - дейди Эркин ака.

- Эркин ака, сув танқислигини-ку бартараф этасизлар, аммо тупроқ унумдорлигини ошириш муаммоси нима бўлади, Ахир, ер шўрлаб, чарчаб қолган.

- Ҳадисларда: "Иш эгасига тушмаса, қиёматнинг бошлангани шу" деб бежиз айтилмаган-да. Шероботдек дунёга машҳур туман сўнгги ўн йилларда эгасига тушмай, оқсаб қолган эди.

Ўтган йилнинг 23 мартида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Шеробод туман ҳокими Абдимурод Лапасов сўзга чиқиб, Шеробод, Қизириқ, Бандихон туманларида ерларнинг мелиоратив ҳолати ўта ёмонлашгани ва бу ҳудудларга республика миқёсида эътибор кераклигини айтган эди. Ўшанда сессияда иштирок этган Юртбошимиз Шеробод туман ҳокимининг фикрини қўллаб-қувватлагандилар. Ана шу эътибор, ғамхўрлик туфайли ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаттиқ киришилди. Очиқ ва ёпиқ зовурлар таъмирланиб тозаланмоқда.

Худо хоҳласа, келгуси йиллардан Шеробод тумани экин майдонларининг унумдорлиги ортади. Ернинг шўри ариса, элнинг шўри ариганни шу.

Шеробод, Қизириқ, Термиз туманларидаги суғориш иншоотларини айланиб, Термизга — Эркин Донаевнинг ишхонасига етиб келганимизда қош қорайиб қолганига қарамай, қабулхонада уч-тўрт чоғли одам раҳбарни кутиб туришарди. Депутат ҳузурига келганлар билан эринмай бирма-бир суҳбатлашди. Орадан бир ярим-икки соатлар вақт ўтди. Эркин ака пешонасини бақувват кафтлари орасига олиб, ўзича "ҳордиқ" чиқарган бўлди. Жилмайди-да:

- Хайриятки, умрнинг бир куни ташвишларга бой бўлса-да, тинч ўтди, - дея шукрона келтирди. Гапини тугатмасданоқ эшик очилиб, бир киши кирди-да, салом берди. Унинг зоҳирига разм солдим. Охори тўкилиб, униққан уст-бошда, кафтларининг ёриқларида мой қотиб, "муҳрланиб" қолган, озғин ва чайир кишини депутат бизга эҳтиров билан таништирди:

- Бу одам ҳақида очерк ёзсаларинг арзийди. Бизнинг энг илғор, энг ишчан экскаваторчимиз!

- Эркин Алламуродович, шу тобда мени мақтагулиги йўқ...

- Оббо, нега энди?

- Ҳали ойлик олишга ўн кун вақт бор... Қизчам мактабга бориши керак. Чўнтакнинг аҳволи чатоқ...

- Гап буёқда денг. - Эркин Алламуродович чўнтак кавлаб бир боғлам "элликталик" пул суғурди-да, экскаваторчига узатди.

- Э, йўқ! Сиздан пул олиб... уят бўлади, Эркин ака...

- Уялмай қўя қолинг, - деди мезбон кулиб, уни ноқулай вазиятдан қутқазаркан, қўшимча қилди, - бу беш мингни сизга қарзга бераяпман. Каттароқ мукофот пули олсангиз қайтарарсиз. Қизчани мактабдан қолдира кўрманг.

Экскаваторчи раҳбарига раҳмат айтиб, мамнун ҳолда чиқиб кетди.

- Ошнани-ку хурсанд қилиб юбордик. Аммо энди сизлар билан бошқа сафар бир чойлашармиз, - деди маъноли кулиб Эркин Донаев.

- Эркин ака, энди бизга рухсат беринг, кетайлик. Чой бўлса қочмас...

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,**
**"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири**





**Суратларда:** ***Эркин Донаев навбатдаги ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.***



Навқиронлик

***Меҳмонимиз Мақсуд Қориев, асли касби-кори ҳуқуқшунос. У 1947 йилда Тошкент юридик институтини тугаллаган, кейин аспирантурани битириб, юридик фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ёқлаган, доцент. Бу соҳада қатор илмий мақолалар ва китоблар битган, Давлат ва ҳуқуқ назарияси бўйича дарслик муаллифларидан бири. У юристликни журналистика ва адабиёт билан ҳамроҳ қила билган ноёб хислат соҳиби.***

***1948 йилдан бошлаб "Ўзбекистон овози" газетасида адабий ходим бўлиб ишлай бошлади. Кейинчалик у "Тошкент ҳақиқати" вилоят газетасида, сўнг "Ўзбекистон овози", "Муштум" журналида бош муҳаррир лавозимларида, қарийб эллик йил ишлади. Ана шу йиллар унинг ижодий ҳаёти бошланди. Туркум ҳикоялар, қиссалар, "Спитамен", "Ибн Сино" тарихий романларини ёзди. Тўрт бор Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайланди, Олий Кенгашнинг қонунчилик ташаббуси комиссиясига раислик қилди. Қатор ҳукумат орден ва медалларига, бошқа мукофотларига сазовор бўлди. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими", истиқлолимиз даврида "Шуҳрат", "Эл-юрт ҳурмати" медаллари билан тақдирланди. Ҳозирги кунда "Меҳригиёҳ" газетасининг Бош муҳаррири сифатида ижодий иш фаолиятини давом эттирмоқда. Эл таниган адибимиз бу йил ёзида таваллуд кунларининг 75 йиллигини нишонлаш арафасидадир. Юрист ва таниқли адиб Масъуд ака Қориев бизга бир даста ёзувларини келтирдилар. Уларда сабоқ-дарс битилган. Ўқинг!***

*Устоз юристлар сабоғи — тарих дарсхонаси*

# ҲУҚУҚШУНОС БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Ушбу мақоламга ана шундай сарлавҳа қўйдим. Бундай ўйлаб қарасанг, ҳуқуқшунослик касби ғоят қийин, мураккаб, шарафли касб экан. Буни ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлаган, хизмат қилаётганлар, касбдошларим жуда яхши билишади. "Ҳаётинг қил устида" деганлари шу касб аҳлларига тегишлидир. Салгина қонун йўлагидан ташқари қадам боссангиз, ҳуқуқшунослик қасамига хиёнат қилган бўласиз. Ана ўшанда бу касбнинг нақадар масъулиятлилигини тушуниб оласан киши. Бундан ташқари эл-юрт, аҳли-фуқаронинг кўзи сизда, жамоатчилик сизни ҳамиша кузатиб, терғаб туради.

Баъзан ижодий учрашувларда, турли мулоқотлар чоғида мендан сўраб қолишади: "Ахир, сиз ҳуқуқшуноссиз, нега ўз касбингиз бўйича ишламагансиз? Бу касбни ўзингиз танлаб олганмисиз, нега бўлмаса прокурор ё судья бўлиб ишламадингиз?"

Хуллас, бундай саволларни кўп эшитаман. Мана энди ёшимиз бир жойга бориб, ҳаётнинг барча сўқмоқларидан ўтиб, ўтган кунларимизни эслаб, мулоҳаза этиб кўрганимизда, ана шу саволларга бирмунча тўғри жавоб топа оладиганга ўхшарсан экан.

Ҳаётнинг ўзи бир катта мактаб экан. Ҳаммасини кўрдик, саодатли кунларни ҳам, фожиали дамларни ҳам.

Собиқ коммунистик тузуми даврини ҳам, ёрқин истиқлолимизни ҳам кўриш бизларга насиб этди. Бундай ўйлаб қарасанг, коинотда ҳамма нарса оқилона қурилган экан. Барча нарса ўзгарувчан, ҳаракатда. Тизимлар ўзгаради, одамлар ҳам. Баъзида ҳақиқат ёлғонга, ёлғон эса ҳақиқатга айланади. Сиз ишониб, меҳр қўйиб юрган нарса сароб бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Аммо инсон ҳар қандай шароитда ҳам инсонлигича қолаверар экан.Кўнгил тоза бўлса, эзгуликка мойил бўлса, ҳеч қачон азият чекмайсан. Бобокалонларимиз: "Инсоннинг юрагида Аллоҳнинг исми бор" дейишлар. Ҳақиқатан ҳам шундай, инсонни яратган муаллиф Тангри таолонинг ўзи-ку! Тақдири азал, деган гап бор. Нима бўлса ҳам пешонангга ёзилгани бўлади. Менинг ҳам ҳаётим ана шу тақдири азалнинг иродаси билан боғлиқ, ёзилгани бўлди.

Хуллас, гап шундай: қандай қилиб мен Тошкент юридик институтига кириб қолдим? Аслида мен ёшлигимдан шоир ё ёзувчи бўлишни орзу қилардим-ку! Акам Маъруф Қориев ажойиб қўшиқчи шоир эди. Ҳикоялар битарди. Менинг унга ҳавасим келарди. Қўшиқлари радиода эшитилиб қолса, ҳамма ишларимни йиғиштириб қўйиб, радиокарнай ёнига шошилардим. Акамнинг ижодкор дўстлари кўпинча бизнинг Тошкентнинг баракаёғди даҳаси — Себзордаги уйимизда йиғилишиб туришарди. Саид Аҳмад, Туроб Тўла, Маъруф Ҳаким, Неъмат Тошпўлат, Мамадазиз Ниёзов...

Уруш бошланиши билан акам биринчилар қатори фронтга жўнаб кетди. Биз ўшанда Тахтапулдаги 22-ўрта мактабда ўқир эдик. Муаллимларимизнинг ҳам аксарисини фронтга олиб кетишди. Юқори синфдагиларнинг ҳам деярли барчаси армияга жўнатилди. Ўқитувчилар етишмайди. Шу боис мен қишлоққа, отамнинг ёниға — "Ўзбекистон" жамоа хўжалигига бориб ишлай бошладим. Биз ёшлар кундузи кетмон чопардик, кечаси эса колхоз боғларини қўриқлардик. Шу кунларда Юнусободга Россиядан Асбобсозлик заводи кўчиб келди. Эҳ-ҳе, қизиқ даврлар. Ўша заводга ишга келганлар кечалари боғга писиб тушиб, мева, узум ўғирлашарди.

Ана шундай халлослаб ишлаб-яшаб юрган кезларимизда қадрдон ўртоқларимдан бири "Тошкентда юридик институти очилар эмиш, ўнинчи синфни битиролмаганларни уч ойлик тайёрловдан ўтказиб, кейин биринчи сентябрдан институтга олишармиш" деган гап топиб келди. Эртаси куни ювиниб-тараниб Тошкентга йўл олдим. Ишчилар шаҳарчасида акамнинг қадрдон дўстлари бўларди, Иброҳим Набиев деган. Фронтдан майиб бўлиб қайтиб келибди, деб эшитган эдим. Нима қилса ҳам акамнинг садоқатли ўртоғи, ўша билан маслаҳатлашиб олай деган хаёлга бордим. Кирсам, ҳартугул Иброҳим ака уйларида эканлар. Ака-укадек қучоқлашиб кетдик. Ҳол-аҳволдан кейин мен мақсадимни тушунтирган бўлдим. Иброҳим ака мени обдон тинглаб: "Мен ҳам сен билан бирга бораман", деб қолдилар.

Иброҳим ака урушда ҳарбий учувчи бўлиб хизмат қилган, оёғидан ярадор бўлиб қайтиб келган, қўлтиқтаёқда юрар эдилар. Икковлашиб, "Юридик институт қайдасан" дея Шайҳонтоҳур томон кетдик. Институт Дала кўчасида, кимнингдир ҳовлисида жойлашган экан. Тахминан ҳозирги санъат саройидан унча узоқ эмас жойда.

Директор хонасини кўрсатишди. Кирсак, кичкинагина хонада ёшгина, сочлари жингалак, ҳарбий гимнастёрка кийган нурли бир киши ўтирибди. Биз билан самимий кўришиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Биз асл мақсадимиздан сўзладик. Директор Соли ака менинг ҳужжатларимни кўриб: "Сиз бугундан бошлаб тайёрлов курсига кириб ўқийсиз, уч ойдан сўнг институтга қабул қиламиз" деб қолдилар. Иброҳим Набиевга: "Биринчи сентябрдан ўқишга келаверинг" деб оқ фотиҳа бердилар.

Шу-шу бўлди-ю... вақти келиб институтга қабул қилиндим, лекцияларга киришиб кетдим.

Бир куни кечга яқин яна Иброҳим аканинг уйига бордим, у киши ош дамлаб қўйган эканлар. Паловнинг хушбўй ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетган. Ўша қаҳатчилик йили палов қилиш нақадар қийин эканлигини бир кўз олдингизга келтиринг-а, "Роса мазза қиладиган бўлдик-да", деб ўзимда йўқ хурсандман. Демак, Худо хоҳласа, энди ишлар юришиб, бахтим очилиб кетаётгандай ҳис этаман ўзимни.

Ошдан кейин узоқ вақт сўзлашиб ўтирдик. Сўнггида Иброҳим ака: "Кеч бўлиб қолди, шу ерда ётиб қолақол, кўриб турибсан ҳаммаёқда "аблава", Худо кўрсатмасин ушлаб, фронтга жўнатиб юборишмасин тағин!" деб қолдилар. Иброҳим аканинг гапида жон бор эди. Бир кун бурун бир тўда ёшларни тутиб олишиб, Юнусобод чойхонасига қамаб, ҳужжатларимизни роса синчиклаб текширишган эди. Менинг жуссам кичкина бўлганлиги учун колхоздагилар ўртага тушиб, кейин қўйиб юборишган эди. Шуларни ўйлаб ўша кеча Иброҳим акамнинг хонадонларида ётиб қолдим.

Аммо...

Ярим тунда қўққисдан эшик қаттиқ тақиллади. Биз Иброҳим ака билан ўртадаги уйда полга ўрин солиб ётган эдик. Юрагимга ғулғула тушди. "Энди босиб олиб кетишади" деб ўйладим. Иброҳим ака қўлтиқтаёғини тақиллатиб, эшикни очди. Уйга автомат кўтарган икки нафар солдат ва бир офицер бостириб келди.

Лейтенант йигит: "Ҳужжатларингизни кўрсатинг" деди. Иброҳим акага дўқ-пўписа қилиб.

Иброҳим ака анча ўзларини босиб турдилар ва ниҳоят:

- Мана, шунинг ўзи ҳужжат эмасми? - дея қўлтиқтаёғини кўрсатдилар.

Сўнг жаҳллари чиқди шекилли, оёқларини очиб, сонидаги яра жойини кўрсатди:

- Бунга ишонасанми, ўзинг нега фронтга кетмай юрибсан? - деб қолдилар.

- Биз ўз вазифамизни адо этаяпмиз, ҳужжатларингизни кўрсатинг гражданин, - деди бу сафар лейтенант йигит ҳам расмийлик билан овоз пардасини баландлатиб.

Иброҳим ака инқиллаб бориб шкафдан ҳарбий гимнастеркасини олиб, чўнтагидан ҳужжатларини, орден книжкаларини лейтенантнинг қўлига тутқазди.

Менинг эса юрагим безовта. "Намунча дўқ билан гаплашмасалар, пастроқ тушсалар бўларди". Агар мени билиб қолишса, албатта, ўша заҳотиёқ оёғимни ерга теккизмай олиб кетишади, нега ҳам даламга кетавермаган эканман, деган пушаймондаман.

Ҳар тугул Иброҳим аканинг ҳужжатларини текшириб бўлишгач, лейтенант йигитнинг ҳовури пасайди:

- Кечирасиз, ўртоқ старший лейтенант, - деди у мулойимлик билан.

Кейин полдаги тўшакка қараб, Иброҳим акага кулимсираб бир нарса деди. Мен нима деганини эшитмадим. Шундан сўнг бемаврид келган "меҳмонлар" чиқиб кетишди.

Мен ўрнимдан туриб олдим. Кейин билсам... сочларим тўзғиб кетган экан ва ўрин-кўрпанинг бир чеккасидан чиқиб турган жингалак сочларимни кўриб, ҳалигилар мени аёл киши деб ўйлашибди...

1943 йил. Биринчи сентябр. Тошкент юридик институтининг очилиш маросими. Тантанали бир вазият. Урушнинг оғир дамлари, қийинчилик даври бўлса ҳам ўқитувчилар, талабалар байрамдагидек кийинишган.

Институт Дала кўчасидан Шайҳонтоҳурга кўчиб келган. Унга Шайҳонтоҳур зинасидан кўтарилиб, ҳашаматли қадимий катта дарвозадан чиқиб борардик. Нарироқда чойхона, сарҳовуз, бобокалонимиз Шайҳонтоҳур отанинг мақбаралари ҳам шу ерда.

Биз миллий гуруҳда эдик. Ҳаммамиз, йигитлар-қизлар билимга чанқоқ, ҳар бир маъруза биз учун янгилик, қизиқиб, қунт билан тинглардик.

Биринчи маъруза давлат ва ҳуқуқ назарияси фанидан бўлганлиги ҳали-ҳали ёдимда. Уни институтимиз директори, мен учун кейинчалик қадрдон бўлиб келган ҳуқуқшунос олим — Соли Ашурович Ражабов ўқиди. Ўшанда мен ҳуқуқшунослик касбининг мураккаблиги, аммо шарафли касб эканлигини устоз, муаллим Соли Ражабовдан эшитганман ва ўша ўгитлар бир умр ёдимда сақланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам ҳуқуқшунослик илми кенг қирралидир. Бунда асосий ҳуқуқий фанлардан ташқари, касбингиз учун жуда ҳам зарур бўлган бошқа илмларни ҳам ўрганишимиз зарур ва лозим. Фалсафа, сиёсий иқтисод, тарих, халқаро ҳаёт, логика, психология, суд медицинаси, бухгалтерия-ҳисобот ишлари ва бошқалар. Демак, ҳуқуқшунос, кенг фикрли, илмнинг турли соҳаларидан хабардор бўлган мутахассисдир. Чунки касбингиз туфайли иш жараёнингизда турли касб эгалари: олимлар, ўқитувчилар, ёзувчи-журналистлар, рассомлар, врачлар, турли тармоқ, соҳа, ташкилот раҳбарлари билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. Буни мен ўз ҳаёт тажрибамда ҳам кўриб, билиб ишондим. Газетада бир неча йиллар давомида муҳаррир бўлиб ишлаган бўлсам, ҳуқуқшунослик менга ҳамиша қўл келди. Бу касбда энг сўнгги ва охирги сўз айтилади, ҳал этилади. Юридик институтда олган билимларим барча ишларни одилона, ҳаққоний ҳал этишга, тўғри хулосалар чиқаришга ёрдам берди. Соли Ражабов худди мана шу масалаларни бизга қунт билан тушунтирган, қулоғимизга қуйган устоз муаллим эди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ҳуқуқшуносликда энг асосий фан ҳисобланади. Уни ҳуқуқшунослик фанининг фалсафаси деса ҳам бўлади.

Бирор нарсани чин юракдан орзу этсанг, албатта мақсадингга эришасан.

Уч ҳикоят:

1944 йил. Уйга борсам ҳарбий комиссарликдан чақирув қоғози келибди. «Тезда барча анжомларингиз билан етиб келинг», деган. Уйдагилар безовта, онам йиғлайдилар: "Акангни олиб кетишди, энди сен кетиб қолсанг қандай чидайман, бу машъум уруш кимга керак ўзи, ҳе, ўша гитлерга лаънатлар бўлсин", деб.

Чақириқ хатига биноан ҳарбий комиссариатга бордим. Қўқонбоев деган одам военком экан. Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ. «Зудлик билан эртага жўнаб кетасиз», деб қолди. Гапларимни эшитишни ҳам истамади. Институтга бордим, ўртоқларим билан хайрлашиб кетай деб. Дарс тугаб, танаффусга чиққанимизда бирдан қаршимдан Соли Ражабов чиқиб қолдилар. "Ҳа, ука, нега дарсга кирмадинг?" дедилар.

Мен воқеани айтдим. "Бу ёққа юр", дея ўз хонасига бошладилар. Кадрлар бўлими бошлиғини чақириб, менинг чақириқ қоғозим, "Вақтинчалик гувоҳнома"мни бўлим бошлиғига бериб, «Ўзингиз ҳарбий комиссарликка олиб бориб масалани ҳал этиб келинг, наҳотки комиссариатдагилар бизнинг институт талабаларини армияга олинмаслигини билишмас эканлар", дедилар. Эртасига вақтинчалик гувоҳномамни қайтариб беришди. Унда: "Ўқишни тугатгунга қадар ҳарбий хизматдан озод этилсин" деб ёзилган эди.

**Мақсуд ҚОРИЕВ**
**(Давоми келгуси сонда)**

### ЁН ДАФТАРДАГИ БИТИКЛАР

***Билим — ақл чироғи***
***Ақл — Ҳасан, одоб — Ҳусан.***
***Билим сўнмас нур — йўлингни бир умр ёритади.***
***Ёшликда ўқиганинг умрбод сенга тўғри йўл танлаш имкониятини беради.***

*Эҳ, аттанг!*

# ҚОЧОҚ ҚОТИЛ ҚАМОҚҚА ҚАЙТДИ

Насрулла чойхонага кириб келганида ўзини билмас даражада маст эди. Оёғида зўрға турарди. У ким билан бўлса ҳам жанжаллашиб, хуморини босмоқчи бўлди. Қани энди биров унинг йўлини тўсса-ю, унга оч бўридай ташланиб, қўлларининг қичиғини қондирса. Кўнгли шу топда шуни истарди.

Чойхонада одам кўп. Насрулла можарога сабаб қидирди, тополмади. Бу, унга алам қилди. Бор овози билан ўтирганларга бақирди:

- Қани, бу ерда ким зўр?

Ҳеч ким индамади. Тўрақулов бундан баттар бўғилди. Бу ерда жанжал чиқаролмаслигини тушуниб, катта хонага ўтди. Ўртадаги сўрида бир неча киши чой ичиб, чақчақлашиб ўтиришарди. Насрулла уларнинг яқинига бориб, Ғулом Эшматовнинг жиғига тегди. Икковлари айтишиб қолди. Насрулла Эшматовни бўралаб сўка бошлади. Ёқалашди. Бу сурбетликка анчагача ҳеч ким аралашмади. Бирор киши "Ҳой, тўхта, одамларнинг кайфиятини бузма", демади.

Даврада ўтирган Умар Қўзиев кўрдики, ҳозир бирор кор-ҳол рўй беради. У.Қўзиев ўрнидан туриб, икковини ажратиб қўйди. Насрулла аламидан уни ҳам бўралаб сўкди. Шундан кейин Умар уни чойхонадан чиқариб юборди. Бу зарба Тўрақуловни қутиртириб юборди. У ортидан беркитиб қўйилган эшикни тепди. Оғзидан "оқ ит, қора ит" чиқиб сўкинди. Одамларнинг тинчини ўйлаган Умар Қўзиев ташқарига чиқдида, безорини уйига ташлаб келиш ниятида унинг қўлтиғидан тутди...

Иккаласи бир неча метр жойга судралишиб боришди. Сартарошхонага етганларида ичкаридан Насрулланинг укаси Наби Тўрақулов чиқиб келди.

- Нима гап? - деди.

- Аканг маст бўлиб қолибди, уйига олиб борай, - деди ва акасининг чойхонада кўрсатган "хурмача" қилиқлари ҳақида Набига гапира бошлади.

Насрулла вақтдан фойдаланиб, укасининг устахонасига кириб кетди. Зум ўтмай қайтиб чиқди ва нариги томонга ўгирилиб турган Қўзиевнинг орқасига қулочлаб зарб билан урди. Ажабланган Қўзиев орқасига қараган эди, яна зарба урилди.

Насрулла укасининг сартарошхонасига кириб у ердан пичоқ олиб чиққан экан. Устма-уст урилган пичоқ зарбидан бечора Қўзиев ерга йиқилди. У шу жойдаёқ ҳаётдан кўз юмди...

Ақли-ҳуши жойида одамнинг фикри билан мулоҳаза қиладиган бўлсак, аслида Қўзиев Н.Тўрақуловга душманлик эмас, дўстлик қилмоқчи эди. Бу билан ёмонлик, кўнгилхиралик ва жанжалнинг олдини олмоқчи бўлган Умар Қўзиев охир-оқибат қотилликнинг қурбонига айланди.

Бу воқеа 1994 йил 30 декабрда Сайхунобод туманидаги "Бирлашган" жамоа хўжалигининг чойхонасида куппа-кундуз куни содир бўлган эди. Туман прокуратураси Тўрақуловга нисбатан жиноий иш қўзғади. Лекин қотилнинг ўзи йўқ, у ўша куниёқ қочиб кетган эди.

Россиянинг турли шаҳарлари қочоқ қотил учун вақтинчалик бошпана бўлди. Унга бу юртда яшаб юриш осон бўлмади. У куну тунини хавотирликда, юрак ҳовучлаб ўтказди. Айниқса, милиция кийимидаги кишини кўрса, миясидан товонининг учигача музлаб кетарди. Ички бир даҳшат унга "Энди қўлга тушасан" деб хитоб қиларди. Бунинг устига юртини, уйи, бола-чақаларини соғинарди. Иззат-икром, оила қувончи унга бегона эди. На яшашнинг тайини бор, на ейиш-кийишнинг. Бу ҳам унинг қилмишига яраша жазо эди. Буёқда эса қотиллиги учун жазо турибди.

Охири бўлмади. Тўрақулов ортга қайтди. Сирдарё вилоят прокуратурасига келиб, ўзининг қўлига кишан солдирди. Бу воқеа 2000 йил 7 ноябр куни рўй берди. Суд уни 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Авф этиш тўғрисидаги Президент Фармонларига биноан бу жазо бирмунча қисқартирилди.

Насрулла Тўрақулов қачондир жазони ўтаб, ўз уйига қайтар. Аммо бегуноҳ шаҳид бўлиб кетган Умар Қўзиевнинг оиладаги ўрни ҳеч қачон тўлмайди. Умр йўлдошининг кўз ёшлари, болаларининг ўксиб-ўксиб, маъюс уҳ тортишлари учун нажот йўқ. Бу аччиқ кўз ёшлари, юракни эзувчи ўксинишлар Тўрақуловни тинч қўярмикан? Ҳамқишлоқларининг "Ҳа, келдингми қотил, бир оила шамини сўндириб, яна бош кўтариб юрибсанми?" деган заҳархандали нигоҳи унинг юрагига ўқ бўлиб қадалмасмикан?

**Файзулла БОТИРОВ,**
**Сирдарё вилоят прокуратурасининг катта терговчиси**

## СОҒИНЧЛАРДАН СЎЗЛАЙДИ КЎНГИЛ




Инсон ҳамиша яхшиликка ёндашиб, тўкисликка интилиб яшагиси келади. Меҳри билан атрофга илиқлик, меҳнати билан ободлик бахш эта олганларни кўрсанг, ҳаётга бўлган ишончинг янада ортади. Меҳру оқибатни шиор айлаб, дунёдан фақат бойликкина ахтармаган, одамлар орасида иғво тўқийдиган ёмонлардан ҳазар қилганларнинг тоза туйғуларини ургутлик Очилди Қўйсуннинг "Соғинч" шеърий тўпламини ўқиб, ҳис этасиз:

Ҳалол меҳнатдадир бугуним, эртам,
Офтоб қалқиб турар покиза қалбдан.
Яхшиларни асра номарддан, эгам,
Ажратулик қилма сабрли халқдан.

Эл дарди, ташвиши билан яшайдиганлар, элга суяниб, суянч бўлиб сўз айтадиганлар ўгитига қулоқ тутганлар, амал қилганлар эса албатта, ёмонликлардан, жиноят кўчасининг минг хил ҳийлаю найрангларидан йироқ бўлиши шубҳасиз.

Яхшилик уруғин сепинг дунёга,
Энди топталмасин дину диёнат.
Дилларни ем қилманг ғийбат, рўёга,
Дўст дўстга қилмасин жабр, хиёнат.

Мўъжазгина тўпламни мутолаа қилганлар, ундаги шеърлардан баҳра олиши, тоза туйғуларга ошно бўлиб, дили ёришиши шубҳасиз.

**С. ҚИЛИЧЕВА**

### ЁР СЕНИ СОҒИНДИМ...

Баҳор айёмлари — Наврўз кунлари,
Ёр сени соғиндим, соғинмадингми?
Тўлин ой ёритган нурли тунлари,
Ёр сени соғиндим, соғинмадингми?

Ҳамиша интизор йўлга қарайман,
Ҳар тонг саболардан сени сўрайман,
Илтижойим: келгин, юзинг кўрай ман,
Ёр сени соғиндим, соғинмадингми?

Келишган қомату сочу сунбулинг,
Бемаҳал сўлмасин очилган гулинг,
То умрим борчи бўлайин қулинг,
Ёр сени соғиндим, соғинмадингми?

Бахтлиларни тақдир бирга қўшадир,
Уларни кўрганда қалбим жўшадир,
Менинг сенга меҳрим ўша-ўшадир,
Ёр сени соғиндим, соғинмадингми?

Очилди, муҳаббат мадҳин битарман,
Сенга етолсам деб умид этарман,
Келсанг нур, келмасанг зор-зор кутарман,
Ёр сени соғиндим, соғинмадингми?

**Очилди ҚЎЙСУН**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Рўзибой САИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи 10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00**
**Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи: О.ХУДОЙБЕРДИЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Л. КУЛИШОВА
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.